

835 e

А  
С

835.2  
49  
А-99

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЗБЕК ИЛМ ВА ФАҶРА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА  
ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
Фойдаланиш УСУЛЛАРИ



Тошкент-2006

УЗС.2  
19  
11-99


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Х. АХМЕДОВА

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
УСУЛЛАРИ

(Ўқитувчилар учун методик қўлланма)



Тошкент-2006

Ушбу услубий қўлланма таълим рус тилида олиб  
бориладиган мактаблар, академик лицейлар, коллежлар  
ҳамда олий ўқув юртлари Ўзбек тили фани ўқувчилари  
учун мўлжалланган.

Тақризчилар:


Ҳ. А. Қаҳҳорова – филология фанлари номзоди,  
доцент

М. Х. Қорахожаева – педагогика фанлари номзоди

Муҳаррир: Ҳ. Қаҳҳорова

Ўзбекистон Республикаси  
Технологиялар ва инновациялар  
маркази

0.5.1



Тел: 200-2006



### К И Р И Ш

Ҳозирги кунда мустақил Республикамиз учун юқори малакали кадрлар етиштиришда ўзбек тили таълимнинг муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда олий таълимни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» гояларидан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этиш давр талабидир.

Зеро, таълим ҳар доим такомиллаштирилишга, янгилашга муҳтож. Хусусан, янги ижтимоий — иқтисодий шарт — шароитларда ўзбек тилини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, дарсларни замонавий талаблар асосида ўтишга эришиш тақозо этилмоқда. Бунинг учун эса, ҳеч шубҳасиз, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ўз ихтисослигини пухта билиши, илғор замонавий ўқитиш усулларида яхши хабардор бўлиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари каниф эта олиши лозим. Шундагина ўқитиш сифати ҳам, бунга боғлиқ ҳолда эса ўқувчиларнинг фани ўзлаштириш даражаси ҳам юқори бўлади.

Тил фанининг ўқитилишида методларнинг методлар билан, шаклларнинг шакллар билан алмашиб туриши зарурий ҳолат ва шу ҳолатларда, уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида усуллар вужудга келади. Ўзбек тили дарсининг мақсади, вазифаси ва моҳиятига қараб дарснинг асосий шакли белгиланади. Лекин ана шу асосий метод билан ёнма — ён қисман фойдаланилган ёрдамчи методлар ва шакллар ўзбек тили ўқитишнинг усуллари саналади.

Ўзбек тили фанини ўқитишда методларнинг ва шаклларнинг ўзаро ўрин алмашиб туриши дарснинг жозибadorлигини, унинг товланиб туришини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Тил ўқитишнинг замонавий усул ва шаклларида самарали фойдалана билмаслик дарсни сўник ва зерикарли ҳолатга тушириб қўйиши мумкин.

Шу ўринда буюк аллома Абу Райҳон Бериунининг таълим жараёни тўғрисидаги қуйидаги фикрларини эслатиб ўтмоқчимиз: «Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, худди турли — туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар — ўтмас бошқа бир

боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси, томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди.

Ўзбек тили дарсида самарали шакл ва усуллارни топиш ўқитувчининг ижодкорлиги билан боғлиқдир. Кейинги вақтда тил ўқитишнинг янги, замонавий шаклларида дарслар уюштираётган ўқитувчиларнинг дарслари самарадор машғулотларга айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда бундай машғулотлардан баҳс — мунозара дарс, муаммо дарс, назм дарслари, мусобақа дарслари, конференция дарс, семинар дарс, суҳбат дарс, саёҳат дарс, компьютер дарс каби дарс турлари оммалашиб бормоқда. Ноанъанавий дарслар деб ҳисобланаётган янги дарс шаклларида унумли фойдаланиш ўзбек тили ўқитиш самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Кўпчилик ўқитувчилар ана шу замонавий дарс турларидан хабардор эмаслар ёки бундай дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш учун етарли методик билимга, услубий йўлланмага муҳтожлар. Шу маънода ушбу қўлланманинг ўзбек тили фани ўқитувчиларига замонавий дарс усулларини самарали қўлланларида ижодий ҳамроҳ бўлишига умид қиламиз. Қўлланмани яратишда унинг ҳам назарий, ҳам амалий қимматини ўзаро боғлиқликда ёритиш мақсадидан келиб чиқиб, аввал замонавий дарс типининг моҳияти, унга қўйиладиган талаблар хусусида маълумот беришга ҳаракат қилинди, кейин эса муайян мавзудаги шундай дарс типи намунаси тавсия этилди.



## КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ДАРС

Замонавий усулда дарс ўтишнинг энг самарали йўлларида бири машгулотларни компьютер кўмагида олиб боришдир. Компьютер дарсларнинг асосини унда берилган материаллар (турли хил матнлар, топшириқлар, тест саволлари ва вариантлари, машқлар) ташкил этади. Компьютер ёрдамида олиб бориладиган дарсларда ўқувчиларнинг компьютерда ишлаш малакалари эмас, энг асосийси, уларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилади. Бундай дарслар матнни ўқиб, уни таржима қилиш, матн юзасидан савол — жавоб ўтказиш, ҳикояни давом эттириш, мақолларнинг мазмунини айтиш каби усуллар билан бирга ўқувчиларда мустақил фикр билдиришга ундайдиган ва нутқ малакаларини ривожлантирадиган ўйинлар билан бойитилади. Биз қуйида ҳавола этадиган компьютер дарс намунаси матн устида ишлаш методикаси билан боғлиқ.

Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ҳозирги вақтда ўзбек тилини ўқитиш методикаси олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Чунки ижтимоий ҳаётдан ўрин олиш учун тўғри ёзиш, ўз фикрини эркин баён этиш, муншаот қоидаларини билиш каби кўникма ва малакалар зарур. Ушбу кўникмалар ичида энг муҳими нутқий кўникмаларнинг пировард натижаси бўлган боғланишли нутқ кўникмаси, аниқроғи, фикрни матн тарзида баён этишдир.

Мазкур дарс намунасида ўқувчиларда ана шундай кўникма ҳосил қилишда матннинг роли масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

### Дарсни ташкил этиш.

Дарснинг аввалида ўқитувчи ўқувчиларга матн билан ишлаш йўллари тушунтиради. Кейин ўқувчиларнинг эътибори монитордаги матнга қаратилади. Матндан аввал қуйидаги топшириқ берилган:

1 — топшириқ.

Матнни ўқинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

## РАДИОРЕПОРТАЖ

Радиорепортаж — радиожурналистиканинг энг мураккаб жанрларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги давр талаблари бу жанр зиммасига жуда катта масъулиятни юкламоқда. Мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, тарбиявий аҳамиятга молик муаммоларни дадил кўрсатиб бериш, инсоннинг бугунги ҳаёти, турмуши, дам олиши ҳақида атрофлича ўрганилган ҳолда ҳикоя қилиш репортёрнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Репортаж — аслида латин тилида «етказмоқ» маъносини билдтиради. У ҳозир замонавий журналистикада энг жанговор, тезкор жанрлардан бири ҳисобланади. У барча жанрларга нисбатан ҳаётга юқори даражада яқин туради. Воқеа содир бўлаётган жойдан ва у рўй бераётган вақтда олиб борилиши билан бошқа жанрлардан ажралиб туради.

Радиорепортаж шундай аниқ ёзилиши, ёзув тасмасига туширилиши ва эфир орқали берилиши лозимки, тингловчи уни бир эшитишдаёқ қабул қилиши мумкин бўлсин. Чунки радиорепортажда тингловчиларга бир бор мурожаат этиш мумкин, улар радиорепортажни қайта эшитиш имконига эга эмаслар.

Шунинг учун аниқ ва лўнда услуб, узвий монтаж асосий талаб ҳисобланади.

Радиорепортажнинг қуйидаги турлари мавжуд:

— воқеабанд репортаж. Мухбирнинг диққат марказида воқеанинг ўтиш жараёни, унинг динамикаси туради. Масалан, халқ тантаналари, янги корхонанинг очилиши, делегацияларни кутиш ва кузатиш, спорт мусобақаси анжуманлари ва ҳоказо.

— муаммоли репортаж. Бу репортажда воқеа маълум бир муаммонинг янги қиррасини очишда ва уни ҳал этишда сабаб родини ўйнайди. Умумий муаммо аниқ бир воқеа орқали кўрилиб, ҳал қилинади.

### 2 — топшириқ.

Матндаги содда гаплардан қўшимча гаплар ҳосил қилинг.

Масалан: Радиорепортаж радиожурналистиканинг энг мураккаб жанрларидан бири ҳисобланиб, ҳозирги давр



талаблари бу жанр зиммасига жуда катта масъулиятни юклайди.

Радиорепортаж воқеа содир бўлаётган жойдан ва у рўй бераётган вақтда олиб борилиши билан бошқа жанрлардан ажралиб туради, шунинг учун у барча жанрларга нисбатан ҳаётга юқори даражада яқин туради. ва ҳоказо.

3 – топшириқ.

Матн бўйича саволлар тузинг.

Ўқувчилар бу топшириқ юзасидан қуйидагича савол вариантларини тузишлари мумкин:

Радиорепортаж сўзи қандай маънони билдиради?

Репортёрнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

Нима учун радиорепортаж бошқа жанрларга нисбатан ҳаётга яқин туради?

Радиорепортажнинг қандай турлари бор? Ва бошқалар.

4 – топшириқ.

Юқоридаги топшириқда берилган саволларга қисқа ва аниқ жавоблар ёзинг.

5 – топшириқ.

Матнни қисмларга бўлиб, ҳар бир қисмга мос келадиган сарлавҳа топинг. Уларни ёзиб, матнга режа тузинг. Тузган режангиз асосида матннинг мазмунини сўзлаб беринг.

Шу тариқа матн устида ишлаш давомида ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакалари шакллана боради. Дарсинг давомида унинг ранг – баранглигини ошириш ҳамда ўқувчиларда мустақил фикр билдириш ва нутқ малакаларини ривожлантириш учун яна қуйидаги вазифалар таклиф этилади.

Ҳикояни давом эттириш.

Ўқувчиларга бирор ҳикоянинг боши ўқиб берилади ёки у компьютерга ёзилган бўлади. Маълум бир жойга етгач, улардан ҳикояни давом эттириш сўралади. Ҳар бир ўқувчи ҳикояни ўзича давом эттириши мумкин. Энг оригинал ва тугалланган жавоб ҳикоянинг давоми сифатида ёзилади.



«Кунларнинг бирида кичкина бола мактабдан уйга кетаётганди. У жуда яхши бола эди. Ҳеч кимга ёмонлик қилишни истамасди. Тўсатдан у тўхтаб қолди. Унинг оёғи тагида қуёш нурида ялтираб, яп-янги танга ётарди. Бола тангани олиб, чўнтагига солди. Бу танга сеҳрли танга эди. Бола, албатта бу ҳақда билмасди...»

Бу вазифа аввал оғзаки (алоҳида жавоблар), кейин ёзма (умумий бир ҳикоя) равишда бажарилади. Машгулот сўнгида эса ўқувчиларга қуйидаги топшириқни уйга вазифа сифатида ёзиб олиш таклиф этилади:

#### Лаззат ошхонасида

Тасаввур қилинг, сиз ширин таомлар тайёрлайдиган ошпазсиз. Ҳар бирингиз ўзингиз ёқтирган таомни «Лаззат ошхонаси» номи телевидион кўрсатувда тайёрлаш усуллари гапириб беришингиз керак.

## БАҲС—МУНОЗАРА ДАРСИ

Баҳс—мунозара дарслари олинган билимларни мустаҳкамлаш, муаммоларни ўртага ташлаш орқали амалга оширилади. Имкони бўлмаган масалаларни англантиш, мунозарали қарашларда бир тўхтамга келиш, ҳам шу асосда ўқувчида билимларни мустақил эгаллашга интилиш, ўз шахсий фикрларини, тафаккурини шакллантириш, муомала ва нутқ маданиятини тарбиялаш мақсадида ташкил этиладиган дарс саналади.

Бундай дарслар ўзига хос жиҳатлари билан бошқа дарс шаклларида фарқ қилади. Баҳс—мунозара дарслари бирор масала юзасидан тортишув, фикр олишув бўлганлиги сабабли у суҳбат ва конференция дарсларидан фарқ қилади.

Баҳс—мунозара дарси ўқувчилардан катта тайёргарлик талаб этади, у ўқувчиларни ҳозиржавобликка, ижодий фикрлашга, мустақил равишда фикр билдира олишга ундайди. Шу йўл билан ўқувчиларнинг фикри, нутқи ривожлантириб борилади.

Ўқувчилар баҳс—мунозаралар орқали ўз фикрининг — хулосаларининг қанчалик тўғри—нотўғрилигини билиб борадилар. Ҳақ фикрнинг мустақил равишда ифодалашга интилиш ижодий фикрлашга имкон яратади.

Баҳс—мунозара дарсларида ўқувчиларнинг фаол иштироқига эришиш, натижада ҳар бир ўқувчининг нимадир айтишга интилишининг ўзи дарснинг самарали ва таъсирчан бўлганлигидан дарак беради.

Баҳс—мунозара дарслари педагогик жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. У ўқувчиларнинг эстетик туйғуларини тарбиялашда муҳим воситалардан ҳисобланади. Мунозара мавзусини танлашда материалнинг мазмуни, дастурга алоқадорлиги, ўқувчиларнинг билим савиясига мослигига эътибор бериш талаб этилади. Бунда ўқувчиларнинг истаги, қизиқиши ҳам ҳисобга олинади. Мунозарали саволлар асосан ўқитувчи томонидан тузилади. Ўқитувчи ана шу саволлар асосида баҳсга чорлайди. У ўзининг қўшимча саволлари билан ўқувчиларни фаоллаштиради. Уларнинг нутқларида маълум даражада изчилик ва аниқлик бўлишига эътибор бериб боради. Ўқувчиларнинг ҳам ўз саволлари билан баҳсда қатнашишларига алоҳида имкон берилади. Шундагина баҳс



ўқувчи нутқ малакасининг, муомала маданиятининг ўсишига имкон беради.

Қуйида ҳавола этилаётган баҳс — мунозара дарс намунасига асос бўлиб хизмат қилган материал — қўшиқдир. Бундай дарслар ўқувчиларда адабий — эстетик, маънавий — маданий сифатларнинг шаклланишига, ўзининг фикри, ҳис — туйғулари ва кечинмаларини баён эта олиш малакаларини ўстириш мақсадида уюштирилади.

Дарсни ташкил этиш.

Дарснинг бошланишида магнитофон орқали хонанда Юдуз Усмонова ижросидаги «Дунё» номли қўшиқ қўйиб эшиттирилади. Кейин ўқувчиларга саволлар ёзилган карточкалар тарқатилади. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

— қўшиқдан қандай таассурот олдингиз?

— қўшиқни ким ижро этди? Бу хонанданинг яна қандай қўшиқларини биласиз?

— қўшиқ тинглашни ҳамма яхши кўради. Нима учун?

— сиз қандай қўшиқларни ёқтирасиз?

— севимли хонандангиз ким? Нима учун бу хонанданинг қўшиқлари сизга ёқади?

— сиз қайси ўзбек хонандаларини биласиз?

Ушбу саволларга ўқувчилар томонидан тўлиқ жавоблар олингандан кейин уларнинг айримлари муҳокама қилинади, масалан, қўшиқ тинглашни нима учун ҳамма яхши кўради? , қанақа қўшиқлар одамларга кўпроқ ёқади? ва ҳоказо.

Ўқитувчи: Қўшиқни яна бир марта тинглаймиз. Унинг сўзларига диққат қилинг.

Сўзим тингла, дунё, бир муддат,

Бунчалар ҳам ишларинг галат.

Яхшиларни ғамларга қўйиб,

Ёмонларга қилдинг мурувват.

Нокасларни бор қиладурсан,

Яхшиларни хор қиладурсан.

Эгриларга эшмисан, сўзла,

Нечун галат кор қиладурсан?

Бўлса агар кўзларинг очик,

Қилишинингга бир — бир боқиб чиқ.

Дунё бўлсанг кенг бўлгин, дунё,

Ва барчага тенг бўлгин, дунё.

Дунё, дунё, бир кам дунёсан,

Қадамингни қандай қўясан?

Дунё, дунё, ёлгон дунёсан,

Кимни хўрлаб, кимни суясан?

Ёруғ дунёсан...

Савол: Қўшиқда нималар ҳақида куйланади?  
Таассуротларингизни айтинг.

1 — ўқувчи. Бу қўшиқ кишини ўйлашга мажбур қилади. Чунки унинг сўзларида чуқур фалсафий маъно бор. Унда ҳаётнинг жуда ҳам мураккаб эканлиги, дунёнинг галати ишлари ҳақида куйланади.

2 — ўқувчи. Қўшиқни тинглаётганимда менга шундай фикрлар келдики, қани энди ҳамма қўшиқлар ҳам шундай чуқур маъноли бўлса. Лекин шундай қўшиқлар борки, уларни ҳатто эшиттинг ҳам келмайди, сўзларининг, маъносининг саёзлигидан.

3 — ўқувчи. Бунга қўшиқчилар эмас, уларни ёзиб берадиган шоирлар сабачи деб ўйлайман. Ҳозир куйга осонгина тушадиган энгил шеърлар ёзиб берувчи шоирлар кўпайиб кетган.

4 — ўқувчи. Тўғри, лекин хонанда қўшиқни танлайди. Унинг маъноси ҳамда мусиқага мос келишини танлаш асосан хонанданинг ўзига боғлиқ бўлади.



5 – ўқувчи. Бу қўшиқдаги ана шундай мослик, яъни қўшиқ сўзларининг муסיқасига монанд келиши унинг мазмундорлигини, жозибадорлигини янада оширган.

Ўқитувчи яна савол билан мурожаат қилади: Қўшиқни тинглаётганда кишида қандай кайфият уйғонади? Сабабини тушунтира оласизми?

6 – ўқувчи. Хонанда оддий ҳаёт фалсафаси ҳақида куйлаётган бўлса ҳам, бу қўшиқни тинглаётган кишида қандайдир ғамгин бир кайфият пайдо бўлади. Чунки дунёнинг ишлари ўзи шунақа – да, доим яхшиликдан ёмонлик устун туради.

7 – ўқувчи. Менинг фикримча, қўшиқдаги сўзларнинг маъноси шундай кайфият уйғотади. Қаранг, қўшиқчи гўё дунё билан суҳбатта киришиб, унинг қилмишларини бир – бир санаб берапти, уни саволларга кўмиб ташлаяпти.

Ўқитувчи: Тўғри фикр. Ана энди қўшиқнинг сўзларини таҳлил қилиб чиқинг. Бу сўзларнинг ҳаммаси сизга танишми?

Муддат, ғалат, ғамларга, мурувват, нокас, эгри, эш, кор, қилмиш, боқиб, хўрлаб, суясан, бир кам ва шу каби сўзлар.

Бу сўзларни изоҳланг, уларга синоним ёки антоним бўлган сўзларни айта оласизми?

Худди шундай тарзда ибораларнинг, айрим сўз бирикмаларининг маънолари ҳам изоҳланади.

Кейин гапларнинг қурилишига алоҳида эътибор қаратилиб (нима учун инверсиядан кўп фойдаланилган? Шеъринг асарда унинг қандай роли бор? кабилар.), бадиий услуб тил воситалари ҳақида ўқитувчининг фикрлари келтирилади.

Дарснинг якунида ўқувчиларга «Мен севган қўшиқ» ёки «Севимли хонанда» мавзуларидан бирига иншо ёзиб келиш уйга вазифа қилиб топширилади.

## ПОЭЗИЯ ДАРСИ

Поэзия (ёки назм) дарслари — шеърий асарлар асосида уюштириладиган, ўқувчиларда шеърий асарларга муҳаббат уйғотшга қаратилган машғулот туридир. Шеърият ўқувчидаги эстетик дид, нозик таъбни тарбиялайди, гўзалликни ҳис қилиш ва баҳолай олиш кўникмасини уйғотади. Шеърий асарларни ёд билиш эса ўқувчи сўз бойлигини орттиради, сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш малакасини тарбиялайди, хотирани мустаҳкамлайди. Назм дарслари муҳаббат, меҳр—оқибат, садоқат, вафо, миллий урф—одатларга чуқур эҳтиром, адолат, ҳақиқат, эрк, мустақиллик, ватанпарварлик каби умуминсоний қадриятлар ҳақида кенгроқ, чуқурроқ тушунча ҳосил қилишда ҳам етакчи рол ўйнайди. Чунки шоир жамиятга, замонга, инсонларга, ҳамоҳанг фикр, туйғуларни жозибадор шеърий шаклда ифодалайди.

Поэзия дарслари фақат адабиёт фани бўйича эмас, балки она тили, ўзбек тили фанлари бўйича ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бунда асосан бадий шеърий асарни таҳлил қилиш йўли билан ўқувчиларга ўзбек тилшунослигининг маълум бир қирралари очиб берилади. Тилнинг айрим қонун—қоидаларини оддий мисоллар ўрнига шеърий парчалар ёрдамида тушунтириш ўқитувчидан жуда катта маҳорат талаб этади.

Бундай дарслар ноанъанавий усулда ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолади. Дарсда мисол тариқасида келтириладиган шеърий парчалар ўқувчиларга таниш бўлган асарлардан олинган бўлиши, уларнинг тили содда ва ихчам бўлиши, келтирилган шеърий мисол ўрганилаётган грамматик қоидага айнан мос келиши керак.

Бундай турдаги дарсларни ташкил қилишдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборатдир:

- шеърий асарларга қизиқиш уйғотиш;
- шеърий асарларни ёд олишга ҳавасни шакллантириш;
- шеърнинг маъносини, шоир кашфиётини англашти,
- шеърларни мустақил таҳлил қилиш ва ёд олишга одатлантириш;



- ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргатиш;
- шеърдаги бадий воситалар ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш;
- ўқувчиларда бадий ижодкорлик қобилиятини ўстириш;
- ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш;
- уларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш.

Қуйида ўзбек тили фанидан ўтказилган назм дарси намунасини ҳавола этамиз. Бундай дарслар асосан гуманитар фанлар, яъни психология, журналистика каби факультет талабаларига мўлжалланган бўлиб, машғулот давомида таклиф этиладиган тошшириқлар ҳам кўпроқ ана шу йўналишларга мослаштирилган.

Дарсни ташкил этиш.

Дарс мавзуси: Ёрдамчи сўз туркумлари.

Дарснинг бошланиш қисмида ўқитувчи боғловчи, кўмакчи ва юклама ҳақида тушунча беради. Доскага қуйидаги таблицалар илиб қўйилади:

### Боғловчи

1. Тенг Боғловчилар: бириктирув — ва, ҳамда

зидлов — аммо, лекин, бироқ

айирув — ё, ёки, гоҳ — гоҳ, дам — дам

2. Эргаштирувчи боғловчилар:

сабаб — чунки, шунинг учун

шарт — агар, гарчи, башарти, мабодо

чоғиштирув — гўё, гўёки

аниқлов — ки

## Кўмакчилар

Асл кўмакчилар: билан, каби, учун, сингари

От кўмакчилар: сари, сўнг, аввал, илгари, кейин, ташқари, томон, ёнида, устига, остида.

Феъл кўмакчилар: кўра, қараганда, қараб, бошлаб, тортиб, яраша ва бошқалар.

## Юкламалар

1. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: ҳатто, ҳаттоки, ахир, — ку, — у, — ю, — да, — оқ, — ёқ, ҳам.
2. Чегаралов юкламалари: фақат, — гина, фақатгина.
3. Сўроқ ва таажжуб юкламалари: — ми, наҳотки, — чи, — а, — я
4. Аниқлов юкламаси: худди.
5. Инкор юкламаси: ҳеч, на...на.

Ўқитувчи юқорида келтирилган ёрдамчи сўз туркумларининг вазифасини, маъносини тушунтириб бергач, уларга мисолларни шеърӣй парчалардан келтиради ҳамда ўқувчиларга мисоллардан ушбу сўзларни топишни ва уларнинг ишлатилишини тушунтириб беришларини таклиф қилади. Масалан:

1. Агар сени алдаса ҳаёт,  
Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.  
Ғамли кунга қилгин итоат,  
Шодлик кунлари келади, ишон.

2. Истайманки, инсон тош каби  
Узоқ яшаб турсин мустаҳкам.  
Лекин фақат одамлар қалби  
Ўхшамасин тошга сира ҳам.



3. Менга Пушкин бир жаҳону  
Менга Байрон бир жаҳон,  
Дек Навоийдек бобом бор  
Кўксим осмон, ўзбегим.

4. Агар дўстликни ҳам билмаса асло  
Кимга керак ахир, инсон деган ном.

5. Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли,  
Шунинг учун эрка кўнгил шод.

Шу тариқа бундай мисолларни келтириш ўқувчиларга юклатилади. Улар ўзлари ёд олган шеърий парчалардан намуналар келтириб, улардан ёрдамчи сўзларни топишга ҳаракат қиладилар:

1. Новдаларни безаб гунчалар

Тонгда айтди ҳаёт отини,

Ва шаббода қурғур илк саҳар

Олиб кетди гулнинг тотини.

2. Одамлардан тинглаб ҳикоя

Ўсар эди шоирда гоё.

Барчасини тинглардим, аммо

Ўхшашини топмасдим асло.

3. Она тилим — онажоним тили бу,  
Бешиқданоқ синган жону қулоққа.

Элу юртим, хонумоним тили бу,

Қадимликда ўхшар она тупроққа.

4. Ватанлар, Ватанлар,

Майли гулласин,

Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо

Юртим, сени фақат бойликларинг — чун

Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Дарснинг асосий қисмида маълум бир шеърий асар устида ишланади. Бу асар аввал ўқитувчи томонидан текширилиб, мавзуга мослиги аниқланади. Кейин у қисмларга бўлиниб, ўқувчиларга тарқатилади. Дарсда ўқувчилар ушбу парчаларни ифодали қилиб ёддан ўқиб берадилар. Қуйида бу дарс учун тайёрланган материал — шоир Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеъридан парчаларни келтирамыз:

1 — ўқувчи. Юртим, сенга шеър битдим бу кун,

Қиёсингни тошмадим асло.

Шоирлар бор, ўз юртин бутун —

Олам аро атаган танҳо.

Улар шеъри учди кўп йироқ,

Қанотида кумуш диёри,

Бир ўлка бор дунёда, бироқ

Битилмаган дostonдир бори:

Фақат ожиз қаламим маним,

Ўзбекистон, Ватаним маним.

2 — ўқувчи. Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,

Илғай олмас барчасин кўзим.

Мақтамасман мозийни бироқ,

Ўтмишингни ўйлайман бир зум.

Забтга олиб кенг Осиёни,

Бир зот чиқди мағрур, давонгир,

Икки аср ярим дунёни

Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.

Айтгум, бу кун, у маним, маним,

Ўзбекистон, Ватаним маним.

3 — ўқувчи. Кўз олдимдан кечар асрлар,

Кўз — кўз этиб, нуқсу чиройин.

Сарсон ўтган неча наслар,

Тополмасдан туғилган жойин.

Америка — сеҳрли диёр,

5894

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
ToshDO‘TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI



Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,  
Денгиз ортин ёритди илк бор,  
Берунийнинг ақл машъали.

Колумбда бор аламим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

4—ўқувчи. Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,  
Ҳаммасига гувоҳ — ер ости.  
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро  
Жаҳонгири кам бўлар, рости.  
Беш асрким, назмий саройни  
Титратади занжирбанд бир шеър.  
Темур тиғи етмаган жойни  
Қалам билан олди Алишер.

Дунё бўлди чаманим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

5—ўқувчи. Боболардан сўзладим, аммо  
Бир зот борким, баридан суюк:  
Буюкларга бахш этган даҳо,  
Она халқим, ўзингсан буюк.  
Сен ўзингсан, энг сўнги нонин  
Ўзи емай, ўғлига тутган.  
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин  
Асрлардан опичлаб ўтган.

Она халқим, жон — таним маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

6—ўқувчи. Тинч турарми бу кўҳна олам,  
Тинч турарми доғули замон?  
Оромингни бузди сенинг ҳам  
Фашист деган ваҳший оломон.  
Қоним оқди Данцигда маним,  
Собир Раҳим йиқилган чоғда.

Лекин, юртим, кезолмас ганим

Ўзбекистон аталган боғда.

Сен — ку номус ва шаъним маним,

Ўзбекистон, Ватаним маним.

7 — ўқувчи. Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,

Завол билмас шу ёшинг билан.

Музаффар бўл, голиб бўл, ўктам,

Дўсту ёринг, қардошинг билан.

Асрларнинг силсиласида

Боқий тургай кошонанг сенинг.

Улуғ башар оиласида

Мангу ёруғ пешонанг сенинг.

Мангу ёруғ масканим маним,

Ўзбекистон, Ватаним маним.

Шеърни тинглаб бўлгач, ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади:

Шеърда келтирилган қайси ёрдамчи сўзларни эслаб қолдингиз? Уларни дафтарингизга ёзинг.

Ўқилган ҳар бир парчани қисқача изоҳланг: у нима ҳақида?

Шеър сизда қандай кайфият уйғотди? Нима учун шундай?

Шеърни ўқиётган ёки тинглаётган пайтингиздаги руҳий ҳолатингизни тасвишлаб бера оласизми?

Қайси мавзулардаги шеърлар сизга кўпроқ ёқади? Нима учун сиз бундай шеърларни ўқишни яхши кўрасиз?

Севимли шоир ёки шоирангиз ҳақида гапириб беринг.

Юқоридаги саволлар ўқувчиларга карточкалар ёрдамида ҳам тарқатилиши мумкин ва улар маълум муддат тайёргарлик кўриб жавоб беришади.

Дарсинг кейинги қисмида ўқувчилар турли хил ситуацияга машқлар бажаришади:

1. Интервью.



Тасаввур қилинг, сиз журналист сифатида таниқли шоир (ёки шоира) билан суҳбатлашяпсиз. Сиз унга қандай саволлар берган бўлардингиз?

2. Агар сиз хонанда бўлганингизда қайси шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилардингиз? Қандай мавзудаги кўшиқларни куйлаган бўлардингиз?

3. Тасаввур қилинг, сизга психолог сифатида мурожаат қилишди: киши руҳан эзилиб, қийин аҳволга тушиб қолди. Сиз унга қандай маслаҳат берасиз?

Бу машқларни бажаришда ўқувчилар ролли ўйинлар усулидан фойдаланишлари мумкин, яъни бир ўқувчи журналист, яна бири шоир ролида ёки бири репортёр, бошқаси хонанда ва хоказо.

Дарс якунида ўқувчиларга «Мен севган шоир» мавзусида иншо ёзиш ҳамда ўша шоирнинг бирор шеърини ёдлаб келиш вазифа қилиб топширилади.

## МУСОБАҚА ДАРСИ

Мусобақа дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларнинг ўшбу фандан олган маълумотларини синовдан ўтказиш, уларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва шу билан бирга уларнинг фаоллигини ошириб, фикрлаш доирасини кенгайтиришдан иборатдир.

Мусобақа дарси — машғулотларнинг қизиқарли ўтишини ва ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминловчи ноанъанавий дарс шаклларида бири. Мусобақа дарсларини ўтказишда турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Ўтилган мавзуларни такрорлаш, шеър ёдлаш ва ифодали ўқиш, тест саволарига жавоб бериш, матн билан ишлаш, савол — жавоб, турли таълимий (дидактик) ўйинлар асосида уюштирилаётган мусобақалар ана шу усуллар намунаси.

Ўқитувчининг мусобақа дарсларига алоҳида тайёргарлик кўриши талаб этилади. У савол ва топшириқларни аввалдан тайёрлаши, қайси дидактик ўйинларни уюштиришни режалаштириши, дарс сценарийсини тайёрлаб қўйиши лозим. Бундай дарсларда ташкил қилинадиган таълимий ўйинлар, турли хил бошқотирмалар, сирли топшириқлар ўқувчиларни фикрлашга одатлантиради, зерикаш ва толиқишдан асрайди. Шунингдек, бу дарсларда ўқувчиларда фаоллик, топқирлик, ҳушёрлик ва қизиқувчанлик каби фазилатлар шакллантирилади.

Мусобақа дарсларини ташкил қилишда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

— ўрганилган мавзунинг моҳияти, ундан кузатилган мақсад ва вазифадан, энг муҳими ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда мусобақа дарсининг ўтказилишини режалаштириш;

— мусобақа дарсининг мавзуси ва бундай дарс ўтказиладиган кун тўғрисида олдиндин ўқувчиларни хабардор қилиш;

— мусобақа дарсида бериладиган савол ва топшириқларни олдиндан тайёрлаш, уларни ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ бўлишига эришиш;

— мусобақа шартларини ишлаб чиқиш ва уларни аниқ белгилаб олиш;



– мусобақа дарсида қўлланадиган таълимий ёки ҳаракатли ўйинларнинг тури, вақти, ўрни, иштирокчилари сони каби масалаларни аввалдан аниқлаб олиш;

– ўйинларнинг мавзуси, содда ёки мураккаблигини ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, ўзлаштириш даражасига мос келишини таъминлаш;

– мусобақа шартларининг бажарилишини холисона ва ҳаққоний баҳолашга эришиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусобақа дарсларини белгилаш ва ўтказишда режалаштирилган дарс мавзусига ва мақсадига асосланиш лозим. Қуйида тавсия қилинаётган дарс намунаси қўшма гап синтаксиси бўйича такрорлаш мавзуси асосида ишлаб чиқилган.

#### Дарсни ташкил қилиш.

Ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилиб бўлгач, тарқатма саволлар асосида ўқувчиларни икки гуруҳга бўлади. Ҳар бир ўқувчи стол устига ёйиб қўйилган карточкадан бирини олиб, унда берилган гапни ўқийди ва бу гапни боғланган ёки эргашган қўшма гап эканлигини айтади. Жавобларга қараб ўқувчилар ҳам икки гуруҳга бўлинишади.

Карточкаларда қуйидаги гаплар берилган:

Ҳаво очилди – ю, қуёшнинг ҳарорати сезилмади.

Машғулотлар тугади ва ҳамма ўз уйига тарқалди.

Ташқарида ёмғир тинган, лекин осмон булут.

Осмонни гоҳ булут қоплайди, гоҳ қуёш чарақлайди.

Баҳор келди ва дарахтлар гуллай бошлади.

Зал дам гувилаб қўяди, дам онда – сонда қарсак янграйди.

Тиг яраси тузалади, лекин тил яраси тузалмайди.

Масофа йироқ, аммо кўнгил яқин.

Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.

Кимки ўз бурчини унутса, у кўп хатога йўл қўяди.

Куз келгач, пахта терими бошланади.

Сув бўлса, саҳролар бўстонга айланади.

Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади.

Атроф соя — салқин бўлсин деб, биз кўп дарахтлар экдик.

Кушлар тўп — тўп бўлиб учса, ҳаво очиқ бўлади.

Кимнинг дўсти кўп бўлса, унинг номи ёйилади.

Кўриниб турибдики, берилган мисолларнинг 8таси боғланган қўшма гаплардан, қолган 8таси эса эргашган қўшма гаплардан тузилган. Агар бу гапларни аниқлашда ўқувчи хатога йўл қўядиган бўлса, уни ўқитувчи шу заҳоти тўғирлаши лозим бўлади.

Шу тариқа ўқувчилар икки гуруҳга ажратиб олингач, мусобақанинг биринчи шарти эълон қилинади. Бу «Сирли ёзувлар» топшириғи.

Топшириқ ёзма равишда бажарилади. Конвертларда ҳар бир гуруҳ учун учтадан схемали ёзув топширилади. Ўқувчилар бу схемаларга мос келадиган мисоллар тузиб, уларни дафтарларига ёзадилар. Кейин эса ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил чиқиб, бу мисолларни доскага ёзади. Мисолларнинг тўғри ёки нотўғрилигини ҳамда топшириқни бажарилиш тезлигини ўқитувчи назорат қилиб боради.

#### 1 — гуруҳ топшириғи:

1. . . . . — ю, . . . . .

. . . . . ва . . . . .

2. . . . . баъзан . . . . . баъзан . . . . .

3. . . . . ёки . . . . .

— ю, лекин . . . . .

#### 2 — гуруҳ топшириғи:

1. . . . . эргаш гап (са), . . . . . бош гап . . . . .



2. . . . бош гап (ки), . . . эргаш гап .

3. . . . эргаш гап (са ҳам), . . . бош гап .

Мусобақанинг навбатдаги шарти «Назорат қутиси» топшириғини бажариш.

Бу топшириқ оғзаки бажарилади. Ўқитувчи конвертдан буклаб қўйилган карточкаларни олади ва уларни аралаштириб, столдаги қутига солади. Бошқа бир столга эса учта қутича қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида қилиб «Боғланган қўшма гаплар», «Эргашган қўшма гаплар», «Боғловчиларсиз қўшма гаплар» деган номлар ёзиб қўйилган.

Ўқувчилар ҳар бир гуруҳдан навбатма – навбат келиб, ўқитувчининг столидаги қутидан биттадан карточкани олиб, унда ёзилган мисолни овоз чиқариб ўқишади. Кейин уни учта қутичадан бирига ташлашлари керак бўлади. Ўйин катта қутидаги мисоллар тамом бўлгунга қадар давом этади. Ундан кейин ўқитувчи учта қутичага солинган жавобларни текширади. Бу ишда унга ҳар иккала гуруҳдан биттадан ўқувчи ёрдам бериши мумкин. Жавобларнинг тўғри – нотўғрилиғига қараб гуруҳлар баҳоланади.

Қуйида «Назорат қутиси»да берилган мисоллардан намуна келтирамыз:

1. Орзу билан тирикдир одам, иши билан буюқдир одам.

2. Бегона юртнинг подшоси бўлгунча, ўз юртингнинг гадоси бўл.

3. Ёмғир тинди – ю, шамол тўхтамади.

4. Бу бўстонда дўстлар бермаса кўмак, насиб бўлмас мақсад гулини термак.

5. Баҳор келди, гул очилди, нур сочилди борлиққа.

6. Кимки ўз она тилини билмаса, унда Ватан туйғуси ҳам бўлмайди.

7. Баъзан ҳаво жуда исиб кетади, баъзан оромбахш шабада эсади.

8. Ҳаво совиди ҳамда ерлар музлади.

9. Шамол олдиндан эсарди, шунинг учун юриш қийин бўлди.

10. Ё ернинг кучи йўқ, ё уруғ яхши эмас.

11. Қўшнинг тинч — сен тинч.

12. Ниҳоят кутилган байрам куни келди, ҳамма шод, хурсанд.

Мусобақа дарсининг кейинги шарти «Шеърый лаҳзалар» деб номланади. Бу шартни бажариш учун гуруҳлар аввал ўқитувчи берган қозғоқтаги шеърлардан парча ўқиб, уларда иштирок этган қўшма гапларни топиб, таҳлил қилишлари керак. Кейин ҳар бир гуруҳдан биттадан шеърый мисоллар мустақил равишда келтирилади.

Гуруҳларга берилган мисоллар:

1. Бош тебратар соат кафгири,

Дер: қадримга етмас одамлар.

Секундларим гавҳар ҳар бири,

Нега парво қилмас одамлар?

2. Истардимки, инсон тош каби

Узоқ яшаб турсин мустаҳкам.

Лекин фақат одамлар қалби

Ўхшамасин тошга сира ҳам.

3. Одами эрсанг, демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

4. Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур.

Садафда қамалиб, қатра дур бўлур.

Мусобақанинг навбатдаги шарти тест саволларига бағишланиб, «Ким биринчи» деб аталади. Ўқитувчи иккала гуруҳга 10 та саволдан иборат тест тошшириқларини беради ва вақтни белгилайди. Қайси гуруҳ тошшириқни биринчи



бўлиб бажаришига ҳамда жавобларнинг тўғрилигига қараб  
голиб аниқланади.

### Тест топшириқлари

1. Қўшма гап берилган қаторни топинг.
  - A) Ўқтам машина олгани келганини айтди.
  - B) Айтмоқчи, унинг ўғлидан хат – хабар борми?
  - C) Истайманки, шоирнинг орзулари, умидлари ҳақиқатга айлансин.
  - D) Дунёни танимай, дунё кишиси бўлмайсан.
2. Келдим мен бугун кечикиб ишга гапининг одатдаги тартибини белгиланг.
  - A) Мен келдим бугун кечикиб ишга.
  - B) Мен бугун келдим кечикиб ишга.
  - C) Мен кечикиб ишга келдим бугун.
  - D) Мен бугун ишга кечикиб келдим.
3. Қайси гапдаги нуқталар ўрнига шунинг учун боғловчисини қўйиш мумкин?
  - A) Осмонни қуюқ булут қоплади, . . . ёмғир ёғмади.
  - B) Ичкаридан овоз эшитилар, . . . сўзлари тушунарсиз эди.
  - C) Кўчатларни яхши парвариш қилдик, . . . улар тез ўса бошлади.
  - D) Қор ёққани йўқ, . . . қалин қиров тушган.
4. Боғланган қўшма гапни топинг.
  - A) Рустам шуни яхши биладики, ўртоғи уни алдамайди.
  - B) Ё ернинг кучи йўқ, ё уруғ яхши эмас.
  - C) Кун иссиқ эди, шунинг учун у чўмилгани кетди.
  - D) Сўрасангиз – сўрамасангиз, айтаман.

гап? 5. Ёмғир тинди — ю, шамол тўхтамади. Бу қандай

- A) Содда гап.
- B) Боғланган қўшма гап.
- C) Эргашган қўшма гап.
- D) Боғловчиларсиз боғланган қўшма гап.

6. Кимки ўз она тилини билмаса, унда Ватан туйғуси ҳам бўлмайди. Бу қандай гап?

- A) Эргашган қўшма гап.
- B) Боғланган қўшма гап.
- C) Боғловчисиз бириккан қўшма гап.
- D) Содда гап.

7. Нима эксанг, шуни ўрасан. Ушбу гап грамматик асосига кўра қандай гап?

- A) Шахси маълум гап.
- B) Шахси номаълум гап.
- C) Шахси топилмас гап.
- D) Шахси умумлашган гап.

8. Залда чекилмасин! Ушбу гап грамматик асосига кўра қандай гап?

- A) Шахси маълум гап.
- B) Шахси номаълум гап.
- C) Шахси топилмас гап.
- D) Шахси умумлашган гап.

9. Синтаксисда нима ўрганилади?

- A) Сўз туркумлари.
- B) Сўзнинг луғавий маъноси.



- С) Сўз бирикмалари ва гапнинг турлари.
- Д) Тўғри ёзиш қоидалари.

10. Ибора тил фанининг қайси бўлимида ўрганилади?

- А) Фонетикада.
- В) Фразеологияда.
- С) Морфологияда.
- Д) Синтаксисда.

Мусобақа дарсларини ўтказишда дарс учун мос ва қизиқарли деб ҳисобланган шу каби топшириқ ва ўйинлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Дарснинг шартларини қандай номлаш, уларни ўзгартириш, ўзига хос тарзда ва ўқувчиларнинг билим даражасига мослаб тузиш ўқитувчига ҳавола қилинади.

Дарс охирида гуруҳлар тўплаган умумий баҳолар изохлаб берилади. Фаол иштирок этган ўқувчилар баҳоланади ва рағбатлантирилади.

## ИХТИСОСЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАРСЛАР

Маълумки, олий ўқув юртларининг рус гуруҳларида олиб бориладиган ўзбек тили дарсларида талабаларнинг ихтисослик йўналишлари бўйича мутахассислик матнлари ўрганилади. Бундай матнлар билан ишлашдан асосий мақсад, талабаларнинг на фақат ўзбек тилида сўзлашув нутқини, балки уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича суҳбатлаша олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Мутахассислик матнлари билан ишлаш дарслари ўқитувчидан маҳорат ва ижодий изланиш талаб қилади. Зеро, бундай дарсни ташкил қилишда бирданига бир неча дарс усулларидан фойдаланишга тўғри келади, масалан, матнни таржима қилиш, атамалар (терминлар)ни таҳлил қилиш, саволлар тузиш, суҳбат (диалог) ўтказиш ва бошқалар. Бундан ташқари дарс давомида ихтисосликка йўналтирилган турли хил вазиятли ўйинлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу усуллардан дарс жараёнида комплекс тарзда фойдаланиш талабани мустақил фикрлашга ҳамда ўз фикрини нутқда тўғри ва яхши ифодалашга ўргатиб боради. Ушбу дарснинг самарадор бўлиши муҳим жиҳати ўқитувчи ва талабаларнинг бир – бирини ва мавзунини яхши тушунишларига кўп жиҳатлардан боғлиқ бўлади. Ихтисосликка йўналтирилган дарсларни ташкил этишда ўқитувчи қуйидаги талабаларга эътибор қилиши зарур:

- танланган мавзу қизиқарли, ҳаётий ва мутахассислиги йўналиши асосида бўлиши керак;
- матндаги атамалар диққат билан ўрганилиши керак;
- саволлар изчиллик асосида тузилиши зарур;
- ўқувчилар жавобини эътибор билан тинглаш;
- уларнинг эркин суҳбатлаша олишига шароит яратиш;
- уларнинг барчасини суҳбатга жалб этиш, бирортасини эътибордан четда қолдирмаслик;
- ўқувчилар фикрини изоҳлаш, хатоларини тўғирлаш, муносабат билдириш.

Қуйида мутахассислик матнлари билан ишлаш дарсининг физика факультетида ўтказилган намунаси билан таништирамиз.

Дарс мавзуси: ЭЛЕКТР ЗАРЯДЛАР матни.

Дарс мақсади: Талабаларнинг ўзбек тилида касбий нутқини ривожлантириш, мутахассислиги бўйича нутқий кўникмаларини шакллантириш.

Дарснинг бошланишида талабаларга матн тарқатилади.



## ЭЛЕКТР ЗАРЯДЛАР

Жунга ишқаланган қаҳрабо енгил предметларни ўзига тортиш хусусиятига эга бўлиши қадим замонлардан маълум эди. Бироқ, фақат ХУ1 аср охирларидагина инглиз врачлари Жилберт бу ҳодисани мукамал текшириб чиқди ва кўпгина моддалар ҳам муайян хоссага эга эканлигини топти. Қаҳрабо каби, ишқалангандан кейин кенгайдиган предметлар, тортиш хоссасига эга бўлган жисмларни у электрланган жисмлар деб атади.

Баъзи жисмларда электр зарядлар жисмнинг турли қимслари орасида эркин кучая олади, бошқа жисмларда эса бундай бўлмайди. Биринчи тур жисмлар электр ўтказгичлар, иккинчи тур жисмлар эса изоляторлар ёки диэлектриклар дейилади. Қаттиқ ва суяқ ҳолатдаги ҳамма металллар, туз ва кислоталарнинг сувдаги эритмалари ва бошқа кўпгина моддалар ўтказгичлардир.

Қаҳрабо, кварц, эбонит ва нормал шароитдаги ҳамма газлар изоляторларга мисол бўла олади.

Табиатда турли хил моддалар жуда кўп бўлишига қарамай, фақат икки тур электр заряд мавжуд: булар ипга ишқаланган эбонитдан ҳосил бўладиган зарядларга ўхшаш зарядлардир. Бу зарядларнинг биринчиси мусбат зарядлар, иккинчиси манфий зарядлар деб аталади. Демак, бир хил исмли зарядлар ўзаро итаришади, турли исмли зарядлар эса тортишади.

Матн билан танишиб чиқилгандан кейин мутахассисликка доир бўлган сўзлар ҳамда атамалар матндан кўчириб ёзилади. Луғатдан ушбу сўзларнинг таржимаси тошилиб, уларнинг ёнига ёзиб қўйилади. Кейин эса бу сўзлар ёрдамида матнга яқин маъноли гаплар тузиш таклиф этилади.

қаҳрабо	—	янтарь
жун	—	шерсть
хосса	—	свойство
ҳодиса	—	явление
модда	—	вещество
жисм	—	тело
ўтказгич	—	проводник
изолятор	—	изолятор
диэлектрик	—	диэлектрик
қаттиқ	—	твердый
суяқ	—	жидкий
ҳолат	—	положение, состояние
сув эритмалари	—	водные растворы

шароит	—	условие
мусбат	—	положительный
манфий	—	отрицательный
итаришмоқ	—	отталкивать
тортишмоқ	—	притягивать

Навбатдаги тошшириқ — матн асосида саволлар тузиш. Берилган саволлар ёзиб борилади. Бу ерда саволларнинг тартиб бўйича тузилишига, уларнинг изчиллигига эътибор бериш лозим.

1. Электр ҳодисаси қачон ва ким томонидан мукамал текшириб чиқилган?

2. Жунга ишқаланган қаҳрабо қандай хусусиятга эга?

3. Қандай жисмлар электр ўтказгичлар ҳисобланади?

4. Қайси жисмлар диэлектриклар ҳисобланади?

5. Диэлектриклар қандай хоссага эга?

6. Табиатда қандай электр зарядлар мавжуд?

7. Қайси зарядлар ўзаро итаришади?

8. Қайси зарядлар ўзаро тортишади?

Аввал тузилган саволларга талабалардан алоҳида—алоҳида жавоблар олинади. Сўнгра бирорта кучлироқ талаба барча саволларга қисқа ва лўнда қилиб жавоб беради. Шундай қилиб матнни савол асосида қайта сўзлаш унинг мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради, саволлар эса ўз навбатида матннинг мазмунини сўзлаб беришда режа вазифасини ҳам бажаради. Кучли гуруҳларда матнга режа тузиш ва ана шу режа асосида унинг мазмунини сўзлаб бериш талаб этилади.

Режа:

1. Электр ҳодисасининг ўрганилиши.

2. Ўтказгичларнинг хусусиятлари.

3. Изоляторлар ёки диэлектриклар.

4. Мусбат ва манфий зарядлар.

Дарснинг охирида талабалар билан турли хил вазиятли ўйинлар ўтказиш унинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Ушбу мавзудан кейин талабаларга қуйидаги вазиятли ўйинни таклиф қилиш мумкин:

Сиз физика ўқитувчисисиз. Сиздан бошланғич синф ўқувчиларига электр зарядлари ҳақида тушунтириб беришингизни илтимос қилишди. Сиз уларга нималарни гапирасиз?

Шундай қилиб, бу турдаги машғулотларнинг ўтказилиши талабаларнинг на фақат касбий нутқини ўстириш, балки уларнинг ижодкорлик, изланувчанлик ҳамда фаоллигини оширишда катта самара беради.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Рафиев А. Ўзтүрк Т. Келдиёров Р. Гуломова Н.

Ўзбек адабиётидан замонавий дарслар «Ўз – Силм»  
Ўзбекистон – Туркия Маърифий уюшмаси. Тошкент, 1999  
йил.

2. Аҳмедова Г.Т. Каримжонова В.А. Ўзбек тили (Олий  
ўқув юрглари, коллеж ва лицейларнинг рус гуруҳлари учун  
ўқув қўлланма). Тошкент Ижод дунёси., 2001 йил.

3. Соғлом авлодни шакллантиришда илғор педагогик  
технологияларнинг ўрни.

Тошкент вилояти ёш олимларининг II илмий – амалий  
анжумани материаллари. Тошкент, 2000 йил.

4. «Тил ва адабиёт таълими» журнали. 1998 йил 1 –  
сон.

5. «Замонавий таълим» журнали. Тошкент, 1997 йил  
№1.

6. «Ўзбек тили курсидан материаллар». Қаҳҳорова Ҳ.А.  
Муҳамедова С.Х. Каримова М.А. Тошкент, 2000 йил.

7. Орипов Абдулла. «Бедорлик». Янги ўзбек  
шеърятидан. Тошкент, Ёзувчи. 1999 йил.

8. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Тошкент, Ўқитувчи,  
1997 йил..